



2020 yil " 5 " Июнь

№ 793

Yaupan shaxri

Мингтут МФЙ Кимёхўжаева қишлоғида яшовчи фуқаро Ахмаджонов Ғанижон Акрамовичга мерос қилиб қолдириладиган умрбод эғалик қилиш ҳуқуқи билан дехқон хўжалиги ташкил этиш учун ер майдонини ажратиб бериш тўғрисида

Такдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.04.2016 йилдаги "Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича Республика комиссиясининг 18.04.2016 йилдаги 01/03-12-16-сонли йиғилиш баёни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10 октябр 2017 йилдаги ПҚ-3318-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 6 ва 55-моддалари ҳамда "Дехқон хўжалиги тўғрисида"ги қонунининг 8-моддаларига асосланиб

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Қишлоқ хўжалигига оид эҳтиёжлар учун ер майдонларини танлаш ва ажратиш комиссиясининг туман ҳокимлиги захира фондидаги ер майдонларидан Мингтут МФЙ Кимёхўжаева қишлоғида яшовчи фуқаро Ахмаджонов Ғанижон Акрамовичга дехқон хўжалиги ташкил этиш учун ер майдонини ажратиб бериш тўғрисидаги 16.09.2018 йил кунги хулосаси тасдиқлансин.

2. Мингтут МФЙ Кимёхўжаева қишлоғида яшовчи фуқаро Ахмаджонов Ғанижон Акрамовичга туман ҳокимлиги захира фондига қарашли қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган "Мукумий" номли ММТП ҳудуди қишлоқ хўжалиги харитасидаги №359-контурдаги 0,35 (ўттиз беш сотих)га тенг ер майдонини дехқон хўжалиги ташкил қилиш учун ҳамда иморатлар ва иншоотлар қуриш ҳуқуқисиз, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эғалик қилиш ҳуқуқи билан ажратиб берилсин.

3. Ушбу қарор туман ҳокимлиги томонидан тасдиқлангандан сўнг Ўзбекистон тумани "Давлат хизматлари" марказидан рўйхатдан ўтказиш тегишли ҳуқуқий ҳужжатларни расмийлаштириб олиш вазифаси фуқаро Ахмаджонов Ғанижон Акрамовичга юклатилсин.

4. Мазкур қарорга биноан ер балансига тегишли ўзгартириш киритиш ҳамда ҳуқуқий ҳужжатларни расмийлаштириб бериш туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи А.Ражабовга, ер солиғини ундириш туман солиқ инспекцияси бошлиғи Ж.Қўчқаровга топширилсин.

5. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиб бориш туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бўйича туман ҳокими ўринбосари Д.Қодиров зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими:



Қ.Джураев